# Неъматларни инъом этган Аллоҳга ҳамд бўлсин

10:01 / 11.07.2019 3366

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига кундузи қайтсалар:

الحَمْدُ للهِ الَّذِي كَفَانِي وَآوَانِي وَالحَمْدُ للهِ الَّذِي أطْعَمَنِي وَسَقَانِي وَالحَمْدُ للهِ الَّذِي مَنَّ عَلَيَّ أَسْأَلُكَ أَنْ تُجِيْرَنِي مِنَ النَّارِ

**«Алҳамду лиллаҳиллазий кафаний ва аваний валҳамду лиллаҳиллазий атъаманий ва сақоний валҳамду лиллаҳиллазий манна ъалаййа, ас`алука ан тужийроний минан нар»**, деб айтар эдилар.

**Маъноси:** Менга бошпана бериб беҳожат қилган, мени едириб-ичирган ва кўп неъматларни инъом этган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ундан мени дўзахдан сақлашини сўрайман.

*Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилганлар.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***